

Кеча бўлган, бугун бўлаётган, эртага бўлиши мумкин бўлган ҳамма фожеалар ёлгон фикрнинг "болаларидир". Энгельс бизни болаб алдади: "Ота-боболаримиз маймундан ажралган. Биз асли меҳнат килавериб, меҳнат килавериб маймундан одамга айлаганмиз", деди. Биз ишондик. Чунки у пайтлар "дохийлар" фикрига шубха билдириш осийлик аломати эди. Колаверса, биз ҳеч нарсани ўрганмас эдик, ўзлари ўргатишарди. Окибат нима бўлди? Окибатда бизнинг дахшатли фожеамиз - Аллохсизлик бошланди. Хар қандай ёлгон фикр Аллохсизликдир! Биз худди шу вазиятда улугларимизни йўқотиб қўйдик. Жумладан Навоийни йўқотиб қўйдик. Демак, кўнгилни йўқотиб қўйдик. Энди ўзбек адабиётидаги лирик қахрамонлар қўққа қараб йигламай қўйдилар. Улар энди ҳамма нарсани ердан излай бошлади. Янги адабиётда пайдо бўлган бу янги қахрамонларнинг туйгуларидан қўқ қўринмай қолди. Адабиётда осмон йўқолди. Қахрамонларнинг бари ербоп бўлиб қолди. Хўш, энди ана шундай бир ҳолатда Навоийни тушуниш мумкинмиди?

Йўқ, албатта. Нега? Чунки Навоийни англаш учун Навоийгача бўлган масофани босиб ўтиш лозим бўлади. Агар эътибор берсак, ушбу фикримизнинг исботини ҳам бобомизнинг ўзи бериб қўйибди.

Эл нетиб топгай мениким,  
Мен ўзимни топмасам.

Хўш, энди биз ўзимизни топмасак, ўзини топган кишини қандай топамиз? Албатта, бу билан мен Навоийни англаш учун Навоий бўлиш керак, демокчи эмасман. Аммо, киши ўзгалардан истайдиганини даставвал ўзидан изламоғи керак. Бу хусусда Навоий дейди:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,  
Хар не истарсен, ўзингдан истагил.

Лекин кишида "Ўзини иташ" истаги қандай пайдо бўлади? Менимча, Навоийни ўрганиш эхтиёжи мана шу саволдан бошланса керак.

Биз ўрта мактабдан Навоий хақида бор-йўғи учтўртта жумла ўрганиб чиқдик, ҳолос. Яъни "Навоий шеърият мулкининг султони, Навоий буюқ хамсанавис, Навоий адолатли вазир" бўлган. Адабиёт ўқитувчимизнинг Навоий бобомиз хақида билган маълумотлари шулар эди. Лекин мен бу билан муҳтарам ўқитувчимга ҳеч қандай иддао қилмоқчи эмасман. Чунки у бизга Навоий хақида дарс ўтаётганларида биз учун идеал одам эди. У коммунист эди. Барча "эскилик сарқитларида", динга қарши қурашувчи жамятини фаол аъзоси эди. Демак, бундан шу нарса аёнки, бундай жамятга ҳазрат Навоийнинг қарашлари бегона бўлган.

Мана бугун мутлақо бошқа бир жамятда, боболаримиз орзу қилган бир даврда яшаймиз. Хўш, бундан 15 йил илгари менга Навоий хақида дарс ўтган ўқитувчи билан бугунги ўқитувчининг Навоий хақидаги билимларида қанчалик фарқ бор? Ана шу фарқ бугун ўзига қайтаётган бир миллатнинг талаби даражасидами? Бугун Навоийни ўрганиш масаласини худди шу алфозда қўйиш керак.

Назаримда Ислом динини муқаммал билмаган киши Навоийни муқаммал билмайди.

Келинг, шу жумла исботи учун бир мисол. Хазрат Алишер Навоий наздида сўз биз ўйлагандан кўра юксакрок маснадга эга. У сўзга фалсафий таъриф берар экан, шундай дейди:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,  
Сўздурки, берур хабар жонга жонондин.

Тириклик Навоий наздида катта тушунча. Шоир жисмий тирикликни эмас, балки рухий уйгокликни назарда тутуди. Сўз рухнинг колипи, у ўликка тириклик бахш этиб туради. Сўз кўнгилни уйгок тутуди.

Шоирнинг иккинчи мисрасидаги "жон" ва "жонон" сўзларига эътибор берсак. Жон - рух ва вужуднинг уйгунлашуви. Жонон эса - Аллох. Аллох кўнгилда тажаллий топади. Аллохнинг кўнгилда зухур этилишида сўз асосий воситачи бўлади. Кейинги мисраларда эса бу фикр янада ривожлантирилади.

Хўш, бу билан нима демокчиман? Бу билан демокчиманки, Навоийни англаш учун юкорида айтилганидек, Навоийгача бўлган йўлни босиб ўтиш керак. Бу масофа - Ислом динидир.

Шоир Эркин Воҳидовнинг гувоҳлик беришича, домла Миртемирдек закий шоир Навоийни тўлик билмагани учун ул онхазратнинг хайкалларида уялар экан. Бугун пойтахтимизда савлат тўкиб турган бобомиз хайкали қошига хар куни ўнлаб келин-куёвлар боради. Ана шу ташриф этаётганлар кимнинг пойига келганини англайдиларми? Шу хайкал сохибининг жиллакурса битта газалини ёд биладиларми? Агар билмаса, хеч бўлмаганда ўзларида уялиш хиссини туядиларми?

Ха, ана шундай оғрикли саволлар каршисида колар экансан, беихтиёр улуг бобомиз олдида канчалик уятли холда эканимизга иқроп бўласан киши.

Бутун биз учун Навоийни ўрганиш - ички эҳтиёж. Агар хар кандай эҳтиёж кондирилмас экан, ўша ерда муайян вақт ўтиб касаллик пайдо бўлади. Зеро, Хазрат Алишер Навоий биз учун рухимизни, кўнглимизни тозалайдиган "махак тоши" кабидир.

"Ёшлик" журнали, 2000 йил 2-сон